
САЙЁР ҚАБУЛ

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан шаҳардаги “Милтиқсоз” маҳалла фуқаролар йиғинида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати бўйича навбатдаги Сайёр қабул қабул ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 37 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, бандлик, соғлиқни сақлаш, бола нафақаси, газ, электр ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олинди, 2 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 15 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2022-01-27 08:34:49